

Олдиндан заклад

08:05 / 30.07.2018 4002

Савол:

Ассалому алайкум! Бир танишим чел элдан техника олиб келиб сотади. Шу танишимни бир мижози олдиндан заклад бериб техникага заказ берган. Чел элга хам заказ бериб қўйилди. Энди мана шу харид қилмоқчи бўлган одам олишдан бош тортган ва берган закладни қайтаришни сўраяпти. Аммо чет элдан техника келяпти. Заклад олган одам қандай йўл тутиши керак? Жавоб учун олдиндан раҳмат. Агар иложи бўлса жавобни каналга қўйсангиз. Чунки кўпчилик шу жавобни кутяпти.

Жавоб:

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

Ва алайкум ассалом!

Сотувчи бунда ихтиёрли. Хоҳласин байни бузсин, хоҳласин техникани буюртма берган одамга топширсин. Олишга рози бўлмаса бошқа одамга сотиб ҳаражатини чиқариб олади. Валлоҳу аълам!